



ЖАҲОН ТАРИХШУНОСЛИГИДА ҚОЗИЛАР СУДИ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.

Опаев Б.А

Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти.

Ўзбекистоннинг давлатчилик тарихида суд тизими тарихи, жумладан суд тарихининг катта бир даврини ўз ичига олган қозилар суди тарихини ўрганиш давлатчилик тарихининг ҳозирги кундаги долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, хорижий адабиётларда Туркистондаги қозилар суди ҳақида маълумотлар жуда кам учрайди. Келтирилган маълумотларнинг эса кўпчилиги умумий тарзда бўлиб, кенг турда маълумотлар берилмаган.

Дастлаб жаҳон тарихшунослигида шариат суди махсус тадқиқ этилмаган ва исломшуносликни ўрганиш доирасида ёзилган илмий ишларнинг бир қисми ҳисобланади. XIX аср охири ва XX аср бошларида мавзу буйича исломшунослар, арабшунослар, саёхатчилар, экспедиция иштирокчилари ўз асарларида ва сафар кундаликларида маълумотлар беради. Баъзилари ўрганаётган мавзу буйича умумий маълумот бериб, шарқшунос, исломшунос, арабшунослар махсус тадқиқот юргизган ва қозилар суди буйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган. Европада ислом дунёсини кенг турда ўрганиш XIX аср иккинчи ярмида бошланди. Венгер исломшунос олими Игнац Голдциер [5:302] немис Теодор Нельдеке ва голландиялик Христиан Снук - Хюргронье билан бир қаторда Европада исломшуносликнинг асосчиси ҳисобланади.

Машҳур швейцариялик шарқшунос олими А. Мецнинг «Мусулмон ренессанси» китоби мавзу буйича энг қимматли манбалар асосида ёзилган асар бўлиб, у X аср охирида мусулмон оламининг маданий гуллаб - яшнаши ҳақида ҳикоя қилади [1:473]. Унда ўрта аср араб халифалигининг моддий маданияти, мусулмон ҳуқуқи, ижтимоий ва маданий ҳаётининг энг хилма-хил қирралари билан таништиради. Бу китобнинг бир мавзуси халифаликнинг қози мансабига бағишланган. А. Мец халифа Умарнинг қозиларни тайинлаган биринчи халифа экнлигига шубҳа билдиради. Унинг айтишича, биринчи қозини халифа Мансур 772 йили Мисрга тайинлайди.

Австриялик исломшунос Альфред фон Кремер мусулмон ҳуқуқи буйича тадқиқот олиб борган. Унинг «Мусулманское право» асари 1888 йили Тошкентда О. Р. Эйхгорн томонидан рус тилига таржима қилинди [2:62]. У асарда илк ислом ҳуқуқининг фойда бўлиши, ҳанафийда ҳуқуқ тизими ва ундаги ҳар хил ҳуқуқнинг йуналишлари буйича ёзилган. Кремер асосий эътиборни Яқин шарқ давлатларида эркин фикрлашни ўрганишга асос солган, араб шоири ва файласуфи Абул-Ала аль-Маарри (973-1057, Сурия) ижодига қаратди.

Мусулмон ҳуқуқи буйича Чор Россиясида илк илмий асар ёзган Н. Е. Торнау бўлди. У XIX аср ўрталарида Кавказда давлат амалдори сифатида ислом ҳуқуқини



ўрганишга қизиқиб бу буйича илмий асарлар ёзди. Н.Е.Торнау исломда фуқаролик ҳуқуқи, умумий қоидалар ва суд тизими ҳақида ёзади. „Изложение начал мусульманского законовещения“ асарининг иккинчи боби фуқаролик ҳуқуқшунослиги деб номланиб унинг кўпчилик қисми ислом суд тизимига боғишланган[8:115]. „О праве собственности по мусульманскому законодательству“ асарида ислом қонунчилигида мулк ҳуқуқи ва мусулманларнинг ерга эгалик қилиш ҳуқуқи ҳақида европалик олимларнинг фикрларини келтиради[9:98]. „Особенности мусульманского права“ асарида мусулмон ҳуқуқининг хусусиятларини муҳокама қилади[10:48].

XX асрда мазкур мавзу буйича тадқиқот олиб борган олимлар қаторида Француз олими Р. Шарль «Мусулмон ҳуқуқи» асарида мусулмон ҳуқуқи феодаллик даврдан капитализмга ўтганнан кейин ислом дунёсида унинг тасири ва унинг натижасида ҳуқуқ нормаларидаги ўзгаришларни атаб ўтган[6:143]. Шунингдек у ислом дунёсида суд тизими ва мусулмон ҳуқуқининг эволюцияси ҳақида ёзди. Бу асарнинг олтинчи боби мусулмон оламининг суд тизимига бағишланиб, унда тақдирлашича мусулмон суд тизими ўзининг кўплаб асосий хусусиятларини Византиядан олган. Р.Шарль қозилар судининг функциялари ва суд жараёнида гувоҳ, далил, қасамёд ва ҳ. ҳақида батафсил маълумотлар беради.

Француз шарқшунос олими Анри Массэ ислом динининг ҳудудлар буйича тарқалиши, араб халифалигининг тузилиши ва унинг бошқрув тизими, ундаги қозиларнинг тайинланиш жараёнини ёритиб беради[3:230]. У нафақат ислом динининг маросимлари ҳақида балки ислом ҳуқуқи ҳақида ҳам тушунча беради. Унинг асарида Ўрта Осиё ва Ирандаги ўрта асрлардаги тузилган мусулмон давлатлар ва уларнинг давлат тузилиши, бошқарув тизимини, сўнги даврдаги исломдаги оқимлар тарихини ёритиб берди.

Француз ҳуқуқшунос олими, қиёсий ҳуқуқ ва дунёнинг ҳуқуқий географияси соҳасидаги етакчи мутахассислардан бири Рене Давид «Ҳозирги даврнинг ҳуқуқий тизимлари» асарида жаҳондаги бошқа ҳуқуқ тизимлари билан бирга мусулмон ҳуқуқи ҳақида ҳам сўз юритади[7:496]. У Уммавийлар даврида вужудга келган ва мусулмон қонунларига кўра ягона қонуний суд органлари бўлган қозилар суди билан бир қаторда, ҳар доим ҳокимият томонидан ўрнатилган ибтидоий урф-одатлар ёки қоидаларни қўллайдиган бошқа турдаги судлар бўлганлигини тақдирлайди.

Америкалик исломшунос олим Ваель Халлак сунний ҳуқуқ назариясининг милодий IX асрдан то ҳозирги кунгача бўлган эволюцияси буйича ёзади[4:464]. У бу назариянинг асосий таркибий қисмларини ва уларнинг мусулмон дунёсидаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар контекстидаги ўзгаришларини батафсил кўриб чиқади. Замонавий ислом ислохотчилари дуч келадиган услубий муаммоларни таҳлил қилиш ва ҳуқуқ назариясининг янгиланган вариантини шакллантиришга қаратилган ёндашувлар алоҳида ўрин тутди. Унинг асарида ислом ҳуқуқ назариясининг деярли барча асосий атамалари келтирилган ва ҳар бир тушунча учун батафсил изоҳлар берилган.



Жаҳон тарихшунослигида шариат суди ҳақида манбаларни таҳлил қилиб шуни айтиш мумкинки бу мавзу буйича тадқиқотларнинг кўпчилиги империализм даврида колониялардаги маҳаллий аҳолининг дини ва бошқарув тизимини метрополиядаги олимлар тарафидан сиёсий мақсадларда олиб борган тадқиқотлар ташкил қилади. Бу мустамлакаларида саосан мусулмонлар яшайдиган империяларга тегишли. Юқорида айтганимиздек, хориждаги тадқиқотлар аниқ Туркистондаги қозилар суди буйича эмас, умумий тадқиқотлар ҳисобланади. Хориж манбалари асосан исломшунослик, арабшунослик, шарқшуносликга оид бўлиб, улар орасида шариат суди ва ислом ҳуқуқи ҳақида маълумотлар кўплаб учрашади. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки ғарб олимлари ислом ҳуқуқи исломдан олдинги даврдаги давлатлар ҳуқуқига боғлиқлигини таъкидлайди, бу жараён ислом дини фойда бўлмасидан олдин ҳам бошқача кўринишда бўлганлигини тасдиқлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Адам Мец. Мусульманский ренессанс. Москва «Наука» 1973 г.
2. Алфред фон-Кремер. Мусульманское право. Ташкент. 1888 г.
3. Анри Массе. Ислам. Москва. «Восточная литература» 1961 г.
4. Ваэль Халлак. История исламских теорий права. Введение в суннитскую теорию права. Москва. 2020 г.
5. Игнац Голдциер. Лекция об исламе. СПб. 1912 г.
6. Раймонд Шарль. Мусульманское право. Москва. 1959 г.
7. Рене Давид. Основные правовые системы современности. Москва. «Прогресс». 1988 г.
8. Торнау Н.Е. Изложение начал мусульманского законовещения. СПб, 1850 г.
9. Торнау Н.Е. О праве собственности по мусульманскому законодательству. СПб 1882 г.
10. Торнау Н.Е. Особенности мусульманского права. Дрезден. 1880 г.